

---

## Юридик ва жисмоний шахслар учун навбатдаги қабул ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошлоқ тумани Халқ қабулхонасида туман ҳокими вазифасини вақтинча бажарувчи К.Умаров томонидан навбатдаги қабул ўтказилди.

Унда 30 нафардан ортиқ фуқароларнинг мурожаатлари эшитилди. Ҳар бир мурожаат мутасадди ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Моддий ёрдам ажратиш, ишга жойлашиш, имтиёзли кредит олиш, газ, сув, электр таъминотини яхшилаш каби 10 дан ортиқ мурожаатлар жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Айрим мурожаатларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, ўнга яқин мурожаатлар эса жойида ўрганиш талаб этилганлиги учун ташкилот раҳбарлари томонидан назоратга олинди. Қабул давомида 5 та оила вакилларига озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Шунингдек, мурожаатларни белгиланган муддатда ижро этмаган, ижобий ҳал этилишига бефарқ бўлган масъулларга огоҳлантиришлар берилди.

***Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати***

2022-01-11 17:25:22